

ЎТМИШГА НАЗАР

4 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 4

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 4



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

1. Доно Зияева ЭРОН САФАРНОМАЛАРИ ВА МЕМУАР АСАРЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА.....	6
2. Санобар Шадманова ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ (1917-1941 ЙИЛЛАР).....	13
3. Надира Маҳкамова ЎРТА ОСИЁ МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШ МАСАЛАСИНИНГ СОВЕТ ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	20
4. Қаҳрамон Алманов ИЛК ЎРТА АСРЛАР УСТРУШОНА ТАНГАЛАРИ.....	29
5. Шахноза Абдурахимова 1985-1991 ЙИЛЛАРДАГИ АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ АКС ЭТИШИ.....	39
6. Zebiniso Axmedova OLIMLARNING AHMAD DONUSH IJODI VA FAOLIYATIGA QARASHLARI.....	47
7. Гулчеҳра Аҳмедова СУРХОНДАРЁ БАХШИЛАРИ.....	54
8. Komiljon Arziyev SHIMOLIY-BAQTRIYA MOZOR-QO`RG`ONLAR O`RGANILISH TARIXI (eramizdan avvalgi II asrlar oxiri va eramizning III asrlariga).....	59
9. Мансур Бойсариев ДИАСПОРА ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР КЕСИМИДА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	65
10. Шерзод Баҳранов РОССИЯНИНГ ЎРТА ОСИЁ БИЛАН ҚЎҚОН ОРКАЛИ ОЛИБ БОРГАН ЧОЙ САВДОСИ ТАРИХИДАН (XIX-аср охири ва XX-аср бошларида).....	74
11. Феруза Бобожонова БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАДРАСАЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ, МОДДИЙ-ХЎЖАЛИК ТАЪМИНОТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	80
12. Назокат Бозорова СУРХОНДАРЁЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДАГИ ЖАСОРАТИ.....	94
13. Шербек Ёдгоров МИСРДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИНГ ЁЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ.....	100
14. Бехзод Исабеков СУЮРЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР.....	108

15. Дилфуза Исмоилова, Нор Бердиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРИХИДАН.....	113
16. Фарходжон Исматуллаев ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК – ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....	121
17. Руфина Каюмова ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ УРУШ ДАВРИ ХАТЛАРИ САТРАЛАРИДА.....	129
18. Oybek Klichev, Nishona Hasanova SITORAI MOXI XOSA MUZEYI BINOLARINING TUZILISHI.....	135
19. Хушнудбек Мамадалиев ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА “ЯНГИ ШАҲАР” ЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	141
20. Erkinjon Maxmudov BXSR HUKUMATINING VAQF MULKLARIGA BO’LGAN MUNOSABATI.....	152
21. Темур Мўминов ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	157
22. Ғайратхон Мухтаров ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИ ПЕТРОГЛИФЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	166
23. Жамшид Перемкулов СОВЕТ ДАВРИДА САНОАТ ШАҲАРЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	173
24. Зафар Раҳманов ЧУСТ ЎТРОҚ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ВОҲА ЖОЙЛАШУВ ТИЗИМИНИНГ БОШЛАНИШИ.....	183
25. Элёр Раҳмонов ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЖАРАЁНИ.....	191
26. Зокир Рустамов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКИЯ ВА ЭРОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАР.....	199
27. Azamat Sanakulov MARKAZIY OSIYODA SIYOSIY JARAYONLARDAGI XALQ DIPLOMATIYASINING AHAMIYATI VA O'RNİ.....	205
28. Нодир Сафаров РОССИЯ-БУХОРО АЛОҚАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	213

29. Анора Тоғаева ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ (1950-1980 йиллар).....	219
30. Фарход Усманов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	226
31. Икромжон Умаров БАДАШ – КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ ҚАДИМИЙ МУСИҚИЙ САНЪАТИ.....	238
32. Гулнора Фарманова Н.И.ВЕСЕЛОВСКИЙ ВА УНИНГ АФРОСИЁБДАГИ АРХЕОЛОГИК ИШЛАРИ (АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИНИНГ БИРЛАШИШ ТЎҒРИСИДА).....	245
33. Madina Chorieva XX-XXI ASRLAR TARIXSHINOSLIGIDA SO'NGGI MANGIT AMIR SAYID OLIMXON.....	250
34. Шахло Хусанова БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ МИНГТЕПА ШАҲРИ.....	255
35. Фурқат Тошбоев, Наргиза Каримова УСТРУШОНАНИНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САВДОСИДАГИ ЎРНИ.....	261

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Темур Абдор ўғли Мўминов,
Ўзбекистон миллий университети
Тарих факультети таянч докторанти
temurmominov7@mail.ru

ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

For citation: Temur A. Muminov, SKETCHES OF THE SCIENTIFIC PORTRAIT OF Ibragim Muminov. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.157-165

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-21>

АННОТАЦИЯ

Мақола XX аср Ўзбекистонда илм - фаннинг ривожланишига катта ҳисса қўшган, йирик файласуф олим, миллатпарвар жасоратли зиёли, жамоат арбоби Иброҳим Мўминов ҳақида. Академик Иброҳим Мўминов ижоди борасидаги ҳар бир тадқиқотни улуғ савоб ишларга қўшиладиган бир улуғ деб қарамоқ жоиз.

Муаллиф Иброҳим Мўминов ҳаёти ва фаолияти контекстига яқин ўтмишда илм – фанимиздаги эришилган ютуқлар, зиддиятлар ва қарама – қаршилиқларни тарихий ҳужжатлар асосида таҳлил этади. Донишманд алломанинг бутун инсоний фазилатларини жам этган Сурати ва Сийратини тасвирлайди.

Калит сўзлар: Забардаст олим, ижтимоий фанлар, фанлар академияси, тарихий мерос, фалсафа, илмий тадқиқот, кураш, илмий жасорат, илмий мактаб, сурат ва сийрат, зиёли, ватанпарвар, миллатпарвар, эътироф, жамоат арбоби.

Темур Абдор ўғли Мўминов,
Базовый докторант исторического факультета
Национального университета Узбекистана
temurmominov7@mail.ru

ЭСКИЗЫ НАУЧНОГО ПОРТРЕТА ИБРАГИМА МУМИНОВА

АННОТАЦИЯ

В статье рассказывается об Ибрагиме Муминове, великом философе, ученом, националисте, отважном интеллектуале, общественном деятеле, внесшем большой вклад в развитие науки в Узбекистане XX века. Каждое исследование творчества академика Ибрагима Муминова можно рассматривать как вклад в великие добрые дела.

Автор анализирует достижения, противоречия и противоречия нашей науки в недавнем прошлом в контексте жизни и творчества Ибрагима Муминова на основе исторических документов. Мудрец описывает сурат и сийрат ученого, в которых воплощены все человеческие качества.

Ключевые слова: смелый учёный, общественные науки, Академия наук, историческое наследство, философия, научный эксперимент, борьба, научная смелость, научная школа, фото и биография, образованный, патриот, националист, признание, общественный деятель.

Temur A. Muminov,
Basic doctoral student of the Faculty
of History of the National University of Uzbekistan,
temurmominov7@mail.ru

SKETCHES OF A SCIENTIFIC PORTRAIT OF IBRAGIM MUMINOV

ABSTRACT

The article is about Ibrahim Muminov, a great philosopher, nationalist, courageous intellectual, public figure who made a great contribution to the development of science in twentieth century Uzbekistan. Every research on the work of Academician Ibrahim Muminov can be considered as a contribution to the great good deeds.

The author analyzes the achievements, contradictions and contradictions of our science in the recent past in the context of the life and work of Ibrahim Muminov on the basis of historical documents. The sage describes the Surat and Siyrat of the scholar, which embody all human qualities

Index Terms: great scientist, social sciences, academy of sciences, historical heritage, philosophy, scientific research, struggle, scientific courage, scientific school, painting and biography, intellectual, patriot, nationalist, confessor, public figure.

1.Долзарблиги:

XX асрда совет тоталитар тузуми шароитида миллий зиёлиларга бош бўлган академик Иброҳим Мўминович Мўминов ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш тарихимиз учун ниҳоятда долзарб. Умуман совет даврида ижтимоий фанлар ривожланишидаги зиддиятларни ўрганиш ва таҳлил этиш зарур. Қатағон сиёсатида қарамай Иброҳим Мўминов Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Вице-президенти сифатида ниҳоятда эҳтиёткорлик, мурасасизлик билан йўл тутиб, миллий тарихимиз, миллий меросимизни ўрганишда катта ижобий ишлар қила олди.

Россия тарихшунослиги қатағон сиёсати давридаги фани, олимлар фаолияти ҳақида жуда кўплаб ишларни олиб борган. Ўзбек тарихшунослигида ҳам бу ишлар бошланди.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола тарихийлик, объективлик методлари асосида ёзилди. Яқин ўтмиш тарихини таҳлил этишда ҳаққонийлик нуқтаи назардан ёндашилди. Бунда оғзаки тарих (oral history) методидан ҳам фойдаланилди.

Академик Иброҳим Мўминов ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда биринчи навбатда унинг ўз асарлари манба вахифасини ўтади. Қолаверса, шогирдлари ёзган хотиралари жумладан, Ғайбулла ас – Салом “Эзгуликка чоғлан одамзод”, Омонулла Файзуллаевнинг “Ўзбек зиёлилари”, Наим Ғойибовнинг “Донишманд” китобларида И.Мўминов ҳаёти ва фаолияти турли қирралардан очиқ берилган. Олим ҳақида кейинги йилларда иккита диссертация ёзилган. Булар Ходжаева Д.Ю. Иброҳим Мўминов илмий меросида ижтимоий фалсафа муаммолари. 2002 йил, ЎзМУ Ижтимоий фалсафа мутахассислиги бўйича Фалсафа фани бўйича номзодлик илмий даражасини олиш учун. Қахҳоров Х.Академик Иброҳим Мўминов ва унинг ўзбек халқи миллий маданияти тараққиётидаги ўрни.Самарқанд. 1999 Самду Фалсафа фани бўйича номзодлик илмий даражасини олиш учун ёзганлар.

3.Тадқиқот натижалари:

XX асрнинг забардаст қаламқошларидан Асҳад Мухтор ўз қайдларида “Замон ўтаяпти деймиз, аслида биз ўтаётормиз” – дея ёзганда ҳақ бўлган. Бу мўйсафид дунё, не-не зотларни доврўғига гувоҳ бўлиб, сўнг уларни сўнгги манзилга мунғайиб кузатган.

(Ҳозирда дунё тарихшунослигида шахслар ҳаёти ва фаолиятига оид тадқиқотлар кўп яратилмоқда. Ўзбек тарихида ҳам бундай савобли ишларга кўл уриш бошланди. Ҳассос тарихчи олим Қаҳрамон Ражабов “Тарих ва тақдир рукнига бош бўлиб бир қанча улуғларимиз ҳақида рисоалар чоп эттирди.)

Иброҳим Мўминов ўз шахсий варақасида 1908 йилнинг 7 октябрида Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги Тезгузар қишлоғида хизматчи оиласида таваллуд топганини ўз дастхати билан ёзган.

Олим ўз автобиографиясида “инқилобгача отам Мирзабоев деган бойда приказчик бўлиб ишлаган, революциядан кейин деҳқончилик билан шуғулланган. У 1924 йил вафот этган. 1922 йилгача падаримга ёрдам бериб чўпонлик қилганман”[1] –дея ҳаёти лавҳаларини битади.

1922-1927 йилларда у киши аввал бошланғич мактабда, кейин эса Бухоро оқартув институтида таҳсил олади. Таътил ойларида ўқитувчилик қилади. Ўқишни тугатгач, Бухородаги икки йиллик курсларда жамиятшунослик илмидан дарс беради. 1928 йилда И.М.Мўминов Бухоронинг дастлабки ёш вакиллари қаторида Самарқанд Олий педагогика институтига ўқишга юборилади.

И.Мўминов 1931 йилда Самарқанд Педакадемиясининг ижтимоий – иқтисодий факультетини аъло баҳоларга тамомлагач, мазкур академияда ўқитувчи қилиб қолдирилади.

1933 йилда Самарқанд Педакадемияси асосида Ўзбек Давлат дорилфунуни (ҳозирги Самарқанд Давлат университети) ташкил топади. Ташкилий ишларда И.Мўминов фаол иштирок этади. У дастлаб мазкур университетнинг филология факультетида кейин эса тарих факультетида декан лавозимида ишлайди.

1941 йилда И.Мўминов “Тегель диалектикасининг рационал мағзи” мавзуида диссертация ёзиб ўзбек зиёлилари орасида республикада биринчи бўлиб фалсафа фанлари номзоди деган илмий даражага сазовор бўлади.

1943 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ташкил топади. Унинг таъсис мажлисидаёқ И.Мўминов академиянинг мухбир аъзоси қилиб сайланади. У шу йиллардан бошлаб тақдирини академия билан чамбарчас боғлайди.

1950 йилда И.Мўминов “XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий – фалсафий фан тараққиёти тарихидан” деган мавзуда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади.

Унинг номи жамоатчилик ўртасида эътироф этилди. 1955 йилда И.Мўминовнинг докторлик диссертацияси монографиясини чоп этилиши илмий доираларда ижобий кутиб олинди. Шу йили Домлага ЎзФА тарих ва археология институтига раҳбарлик қилиш вазифаси топширилди.

Сал аввалроқ 50 – йилларнинг бошида Ўзбекистон гуманитар ва ижтимоий фанларнинг кўпгина арбоблари қораланган. ЎзКП(б) МҚ бюроси 1950 йил 1 сентябрда “Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг иши тўғрисида”ги масалани тинглаб, қабул қилинган қарорида Руспублика Фанлар академиясининг гуманитар фанлар бўлими ва унинг институтлари “ўз ишларини ВКП(б) МҚнинг масалаларга доир қарорларига мувофиқ равишда қайта курмадилар”, бу институтларга “сиёсий ишончга сазовор бўлмаган ва буржуа объективизми ҳамда космополитизм ғоясини ташиб юрадиган кишилар жойлашиб олганлар”[2] - деб кўрсатиб ўтди.

Айниқса, 1952 йил 21-22 февралда бўлиб ўтган ЎзКП(б) МҚнинг X пленуми А.Ниёзовнинг “Республикада мафкура ишининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида”ги маърузасида Ўзбекистон халқлари тарихини ёритиш жиддий танқид остига олинганди. Қатағон совуқ шамоллари эсмоқда эди. Шундай оғир шароитда И.Мўминов илмий тадқиқот институтини дадиллик билан бошқарди.

Унинг ташаббуси билан 1956 йилда тарих ва археология институти таркибида фалсафа масалаларини ўрганишга ихтисослаштирилган фалсафа шуъбаси ташкил этилди.

1956 йилда И.Мўминов Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги ва айна пайтда вице – президенти этиб сайланди.[3]

1956 йилдан умрининг охиригача И.Мўминов Ўзбекистонда ижтимоий – гуманитар фанларнинг ривожига улкан ҳисса қўшди. Ўзбек фани ютуқларини кенг тарғиб қила олди.

“Давр менинг тақдиримда” – деган ибора бор. Олим яшаган давр том маънода тоталитар режимнинг тегирмонидан ўтказилган эди. Таъқиб, тақик, шубҳа ва хиёнат кучайган, одамлар ўртасида бир–бирига ишонч йўқолган дамлар. 1947 йил Москва бутун мамлакат бўйича қатъий амал қиладиган йўриқнома ишлаб чиқди. “Приказ НК (003) 47” деган даҳшатли кўрсатма жамиятнинг барча соҳаларини ўргимчак тўридек қамраб олганди.

Ҳар бир сатрида фитна уфуриб турган йўриқномани ўқиймиз: “19 Партия, давлат ва хўжалик аппаратида ишлаётган туб ерли кишиларни (таъқиқ бизники Т.М) шундай ҳолатга солиш керакки, уларнинг ўз қўл остидагилари кўз ўнгида обрўси тўкилиб, аввалги даврларига қайтиш учун ҳам имконлари қолмасин...”

–22. Барча илмий текшириш институтлари ва лабораторияларни доимий кузатиб бориш зарур..

–27. Маҳаллий аҳоли орасида етишган раҳбарларнинг оммавий чиқишларида миллий буюк берилишига йўл қўйилади, аммо у миллатнинг ўсишига, бирлашувига хизмат қилмаслиги керак.

–35. Бошланғич ва ўрта мактабларда, бундан ҳам аввал, ўрта ва олий ўқув юртларида ўта эътибор қозонган ўқитувчилар ишдан четлаштирилиши лозим бўлади. Уларнинг ўрнига биз томонимиздан белгиланадиган кишиларни қўйиш керак. Фанлар орасидаги фарқ текислаб юборилиши, оригиналлар нашри чекланиши, лотин ва эски грек тиллари, умумий философия, мантиқ ва генетика фанларининг ўтилмоғи тўхтатилиши шарт. Тарих дарсларида ўтган сиёсатдонлар, кимлар ватан равнақи учун хизмат қилишгани ёки хизмат қилишга уринишгани ҳақида гапириш мумкин эмас, эътиборни фақат подшоҳлар зулми ва уларга қарши қаратилган халқ курашига бурмоқ лозим бўлади”.[4]

Мустабид тузумни доғули сиёсати доимо аҳолининг энг онгли қатлами бўлмиш зиёлиларни таъқиб остига олган. Бундай шароитда, айниқса ижтимоий –гуманитар фанлари соҳасида иш олиб борганлар “боши тепасида доимо Дамашқ қиличи осилиб турганлигини” ҳис этиб туришган.

Бутун мамлакатда қадимий тарихни ўрганиш “ўтмишга сажда қилиш” дея баҳоланди. Ижтимоий – гуманитар соҳа вакилларига кўпроқ “ривожланган социализм” даври, Партия тарихи бўйича илмий ишлар ёзиш рағбатлантирилди. Бутун жамиятда Манкуртлик авж олди.

Шундай оғир шароитда Иброҳим Мўминов ўтмиш меросимизни ўрганиш бўйича кенг қўламли тадқиқотларни олиб боришда катта журъат билан иш бошлади. 1959 йилда “Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий –фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар” ўзбек тилида нашр қилинди. Унда Форобий, Ибн Сино, Беруний, Умар Ҳайём, Бедил каби мутафаккирларнинг асарларидан намуналар келтирилди.

1958–1968 йилларда И.М.Мўминов раҳбарлигида Абу Али Ибн Синонинг беш жилдлик “Тиб қонунлари” китоби, Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Геодезия” асарлари, Хоразмий, Форобий, Наршахий, Байҳақий, Маҳмуд Қошғарий ва Алишер Навоий каби машҳур мутафаккирларнинг китоблари чоп этилди. Фалсаера, фалсафа тарихи, ахлоқшунослик бўйича дарсликлар яратилди.

И.Мўминовнинг 1968 йил 5 майда Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумининг кенгашида тарихий манбалар асосида ёзилган “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” мавзусида ўқиган маърузаси бутун миллий зиёлиларимиз тафаккур дунёсида туб инқилобий ўзгариш ясади. Ўша ҳаяжонли тарихий мажлис иштирокчиларидан бири Ҳамид Зияев шундай ёзади: “...Мен Отамбой Эшонов билан Яҳё аканинг хонасига бир пиёла чой ичишга кирдим. Учаламиз анча ҳаяжонланган ҳолда бир–биримизни табрикладик. Яҳё ака деди:

–Хўп зўр иш бўлди, мен кенгаш жанжалга айланса керак, деб ўйлаган эдим. Менимча, кенгаш Президиум доирасида ўтказилишининг салобати босиб кетдимиз, ҳеч ким “ғинг” дея олмади. Энди шуни айтиб қўяйки, иккалангиз ҳам “қора хат”га тушдингиз.

–Яҳё ака, –деди Отабой ака, –бугун қурбон бўлишга арзийдиган иш бўлди, қўлларидан келса осмонга олиб чиқиб, ташлаб юборсинлар.”[5]

Иброҳим Мўминовнинг ҳам олим, ҳам инсон сифатидаги бу Жасорати ҳақида шогирдлари кўп ва ҳўб ёзишган. Бундан кейин ҳам ёзилажак. Вақт олий ҳакам Домланинг бу хатти – ҳаракати шунчаки тасодиф эмас, балки чуқур ўйланган ва оқибатини ҳис қилиб ташланган журъатли қадам эди. Қаҳрамонлар руҳиятида доимо ўзини улуг ишга бағишлашдек эзгу мақсад Яширин бўлади. Домла Иброҳим Мўминовни киндик қони Бухорои шарифда тўкилган. Бу юрт ўзининг иймон – эътиқодли ва илмли кишилари билан дунёга доврўг таратган. Ҳар қарич заминида кўҳна тарих нафаси келиб турган она Бухоро, балки унинг қалбига шундай жасорат уруғларини сочгандир.

Балки рўйи замин сайқали бўлмиш Самарқанд миноралари, унинг ғурурини осмон қадар юксалтиргандир...

Ҳақиқат учун курашиш олимнинг чин аъмолига айланди. Ҳақиқат ёғдусини халққа етказиш, бу улкан меҳнат ва тинимсиз курашни талаб этади. И.Мўминов бутун ҳаёти давомида ана шу курашни ичида яшади. “Зотан қаҳрамон, қаҳрамонлик фақат меҳнат, фақат кураш жараёнида пайдо бўлади –дея ёзган эди адабий танқидчи Норбой Худойбергенов. – Шу маънода ҳурматли олимимиз Иброҳим Мўминовнинг “Танланган асарлари” биринчи жилдига киритилган тадқиқотларини чинакам илмий жасорат деб айтгим келади. Чунки, улар ўтмишнинг доно алломаларига нисбатан замондошларимизга муҳаббат туйғусини оширишга халқимизнинг асл фарзандлари томонидан илм – фан, санъат, сиёсатда намоён этилган мислсиз қаҳрамонликлар моҳиятини ёритишга қаратилди. Шу билан бирга халқ ҳаёти, тафаккур тараққиётида рўй бераётган ўзгаришларнинг тарихий анъаналарга боғлиқ томонларини тадқиқ этади, келажакка дадил бориш учун ўтмишга суянишимиз зарурлигини уқтиради. Шунинг учун ҳам Иброҳим Мўминов асосий эътиборни халқимиз бадиий тафаккури тарихининг муҳим жабҳалари, маънавий маданият намояндалари ижодининг таҳлилига қаратади.”[6]

Иброҳим Мўминов “Танланган асарлари”га ёзилган ушбу тақриздан мутаасир бўлиб, “Бу мақолани мени шогирдларим ёзиши керак эди”[7] - деган экан.

Олимнинг ҳар бир асарида унинг менлиги яққол кўзга ташланиб туради. Иброҳим Мўминов тарихга замон кўзи билан қарайди. Бироқ, бу мозийга шу куннинг талаби билан баҳо бериш зарур дегани эмас. Гар ота – боболаримиз маънавий меросини ўрганиб ундан танқидий фойдаланиш, ижобий томонларини ўзлаштириш тўғрисида боради. Аллома шарқ мутафаккирлари асарлари оламига шуқадар шўнғиб кетдики, ҳатто унинг феъл атворига ҳам улуғларнинг нуқси сингиб кетди.

Иброҳим Мўминов ҳақида ёзилган хотиралар, мақолаларда “Жасорат” сўзи бот – бот такрорланади. У илм дунёсида ижод қилиб орттирган энг улуг мартабаси ҳам балки шу “Жасоратли олим” деган ном бўлса ажаб эмас.

Иброҳим Мўминовнинг суврати ва сийрати ҳақида шогирдлари тўлиб тошиб ёзган. Йиллар ғуборидан сарғая бошлаган китоблар, журналларни варағлаб, Домла И.Мўминовнинг киёфасини, ички дунёсини яна қайта кашф этиш мумкин.

Ўзбек фанида ўз номини қолдирган ҳақгўй олим Ғайбуллоҳ ас – Салом Домла ҳақидаги хотираларига “Дарёи изим” деб сарлавҳа қўядилар. “Иброҳим Домла мен учун том маънода Пир мақомидаги маънавий бузургвор инсон эди. Камина уни энг покдомон шахс деб билардим ва ўзи шундай эди ҳам. Дарвоқе, Домла мени ўзининг нафақат шогирди, бажойи фарзандидай кўрар эди”[8].

Сиз шогирдини фарзанди қаторида кўрган улуғларни эсга олдингизми? Ҳа, Мирзо Улуғбек шогирди Али Қушчини “фарзанди аржуманд” деб атаган.

Иброҳим Мўминов, дарҳақиқат дарёдил инсон бўлганлар. Фирқасиз бир фан номзодига ишонч билдириб, Фанлар академиясининг Қомус бўлими мудир, Тил ва адабиёт

институти директори ўринбосари, таржима ва луғат шўъбасининг бошлиғи, Энциклопедия Бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари каби тўрт масъулиятли лавозимда жуссаси кичик, лекин юраги катта Ғайбулла Саломовни ишлатганлар.

Бундан ташқари, Домла Мўминов ҳеч ҳайикмасдан, қамокдан яқинда қайтиб келган Сулаймон Азимов, Ҳамид Сулаймон ва Саид Носирларни ўз паноҳига олдилар, ишга жойлаштирдилар. Илмини давом эттириш учун имконият яратдилар.

Доимо назоратда турган XX асрнинг буюк алломаси Алихон Тўра Соғунийни ёнларига олиб, Аҳмад Дониш китобларини нашрга тайёрлашда биргаликда фаолият олиб борганлар.

“Уни “раҳбар” дейишдан ҳам олдин инсон диёнатли олим, мураббий ва раҳнамо дейиш жўялироқ бўлар. Тийнатида “ўртаҳол”, “рисолабон” одамга мутлақо тушуниксиз бўлган сирли ажойибот бор эди”[9] – дея ўз армонли хотираларини қайд этганди Ғайбуллоҳ ас–Салом.

Архив ҳужжатлари орасида Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, ЎзССР ФА Вице–президенти, ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Иброҳим Мўминович Мўминовга берилган фирқавий тавсифнома сақланади. Тўрт бетдан иборат ўша давр шаблонидан келиб чиқиб ёзилган расмий ҳужжатда ҳам “Гов.Муминов И.М. отличается исключительной скромностью, (таъкид бизники Т.М) отзывчивостью, политически выдержан, морально устойчив и заслуженно пользуется большим авторитетом и уважением среди широкой научной общественности республики”[10] –деб ёзилган. Характеристикада олимнинг фавқуллоҳда камтарлиги қайд этилган. Ҳужжатга ЎзФА президенти Х.М.Абдуллаев, ЎзФА Президиум партбюроси котиби академик Т.Н.Қори – Ниязов ва ЎзФА президиуми местком раиси М.А.Абборовлар имзо қўйишган.

Иброҳим Мўминов том маънода зиёли инсон сифатида шогирдларга ибрат бўлгулик ҳаёт кечирганлар. Замондошлари ва сафдошлари Ҳабиб Абдуллаев, Обид Содиқов, Ёлқин Тўракулов, Музаффар Хайруллаев, Омонулла Файзуллаев, Ҳамид Зияев, Яҳё Ғуломов ва яна кўплаб шогирдлари билан ўзбек илм фанини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Домла Иброҳим Мўминов билан оғир кунларда елкадош бўлган Ҳамид Зиёев ёзади: “У кишида фақат олимлик эмас, балки ватанпарварлик, ташкилотчилик, ишбилармонлик ва бағрикенглик (таъкид бизники Т.М) сингари олий фазилатлар мавжуд эди. Айни бир пайтда Иброҳим ака ўта камтарлиги ва мурувватлилиги билан турарди...

Ироҳим аканинг хонаси буйруқбозлик, дўқ – пўписа, майда –чуйда гаплар ва умуман расмийчилик ҳамда юзакичилик маконига эмас, балки том маънодаги илмий ижодхонага айланган эди”.[11]

Иброҳим Мўминов ҳеч вақт айрим раҳбарларга ўхшаб, кишининг нуқсонини ва камчилигини рўқач қилиб, у ёки бу муаллифни кўпчиликнинг ҳузурида дилини сиёҳ қилмаган. Уни аяб, ўз хонасига чақириб, камчиликларини кўрсатган.

Домланинг шогирдлари ичидан ниҳоятда илмли, дунё эътирофига созовор олимлар етишиб чиққан. 500 дан ортиқ асарлар, илмий мақолалар муаллифи, Америка Биографик Институти томонидан “2001 йил Инсони” деб тан олинган. Омонулла Файзуллаев ҳақли равишда Иброҳим Мўминов илмий мактабининг содиқ давомчиси бўлган. Машҳур адиб Чингиз Айтматов “Оқсоқол Омонулла Файзуллаев тимсолида асл ўзбек интеллектуалини кўрдим” деган эди.

Ўн беш йил давомида Иброҳим Мўминовнинг илмий кенгашдаги муовини бўлиб ишлаган О.Файзуллаев у ҳақида ўзининг нозик кузатишларини қуйидагича қайд этади: “...Шу давр мобайнида устознинг иш услубини ўргандим. Устоз фаолиятида сабоқ оладиган жиҳатлари кўп, ҳеч қачон бақириб гапирмас эдилар, бошқаларнинг гапига луқма ташламасдан сабр билан эшитардилар. (таъкид бизники Т.М)

Иброҳим ака худо берган савлатли инсон эди... 1970 йили Жаҳон илмий конференциясини ўтказишга тайёргарлик кўриш учун домла билан бирга Самарқандга бордик. Шаҳар бошлиғи қабулхонасида анчагина одам кутиб ўтирибди. Қабулхонадагиларга домла салом бердиларда, ҳеч кимга ҳеч нарсга демай камтарлик билан навбат кутиб

ўтиравердилар. Мен ҳайрон бўлдим. Котиба қиз машинкада нималарнидир тақиллатиб босиб, туриб раҳбар хонасига кириб кетди. Бир дақиқадан кейин қабулхонага раҳбар Хайитовнинг ўзи чиқди ва домла билан қуюқ кўришиб, бизларни ичкарига таклиф қилди. Ўшанда Иброҳим Мўминов билан Мусо Хайитов бўлажак конференция масалалари юзасидан бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида келишиб олди”.[12]

4.Хулосалар:

Иброҳим Мўминов ватанпарвар, миллатпарвар ва илмпарвар файласуф олим сифатида, тармоқ илмий – текшириш институтларидаги тадқиқотчиликнинг ижодига илмий методологик кўрсатмалари билан йўналиш берган. Ёш олимлардаги ҳалоллик ва меҳнатсеварликни қадрлаган.

Иброҳим Мўминов доимо бюрократияга қарши бўлган Кераксиз мажлислардаги дабдали нутқларни ёқтирмаган. Домла доимо кутилмаган ишлари билан ҳам анча машҳур бўлган. Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори сифатида математик, физик ва биологларни ҳам ишга қабул қилган. Шу билан миллий табиатшунослик фалсафасига асос солинган.

Устоз Иброҳим Мўминов ниҳоятда шогирдпарвар зот бўлганлар. XX асрда Иброҳим Мўминов фалсафа мактабига асос солинди. XX асрда яшаб ижод этган, Нисбийлик назарияси билан дунёнинг илмий манзарасини ўзгартириб юборган машҳур олим Альберт Эйнштейннинг биографиясида бир нуқта бор. Оламшумул машҳурликка эришган, Нобель мукофоти лауреати Альберт Эйнштейн бир умр ёлғиз ишлаган у ҳеч кимга шогирд бўлмади, ўзи ҳам бевосита шогирдлар тарбияламаган.[13]

Ғарб дунёсининг ҳам ўз ғалат фалсафаси бор. Аммо Шарқда Устоз ва шогирдлик анъанаси борасида ибрат бўлгулик мисоллар талай. Имом Бухорий вафот этганларида шогирдлари Имом ат Термизий қаттиқ қайғуда кўз ёш тўкиб, кўзлари кўр бўлиб қолган экан. Соҳибқирон Амир Темур ўз устози Саид Мир Бараканинг оёғи остига дафн этилишини васият қилган Кўхна Шарқ бир сўз билан “Устоз отангдан улуғ” – дея унга эҳтиром кўрсатган.

Устоз Иброҳим Мўминов ана шундай шогирдларининг меҳрини қозонган зот бўлган. Иброҳим Мўминов ниҳоятда ишонувчан, соддадил, меҳрибон инсонлиги ҳақида Уларнинг жиянлари Маҳбуба Абдуллаева шундай хотирлайди: “Иброҳим Мўминовлар оиласининг асосий шиори Яхшилик қилиш! Бўлган. У киши оилада ҳам меҳрибон ота бўлганлар. Акалари Араббой ноҳақ камалганларидан кейин уларнинг учта фарзандини ўз болалари қатори кўриб тарбияладилар, оталик қилдилар”.[14]

Мустабид давр қатағон сиёсати Мўминовлар оиласини ҳам четлаб ўтмаган эди. Ўн йил қамокхонада ўтирган Араббой иккинчи маротаба яна мулозимлар томонидан ҳибсга олинган.

Иброҳим Мўминов ана шундай катта дардларни ҳам ўзи билан олиб юрган.

Академик Иброҳим Мўминов олим ва инсон сифатида нафақат, республикада, балки Иттифокда ҳам таниқли жамоат арбоби сифатида эътироф этилган. Тожикистон Фанлар академияси академиги М.Осимов олим ҳақида илиқ фикрлар билдирган.[15]

Иброҳим Мўминовнинг таниқли тожик файласуфи А.М.Богоутдинов билан ҳамкорлиги сермахсул бўлган. Тожик адабиётининг йирик намоёнчаси Садриддин Айний Иброҳим Мўминов илмий ишига оппоентлик қилган.

Машҳур тожик олими, давлат, жамоат арбоби Б.Ғафуров “Таджики” китобига қуйидагича дастхат ёзиб Иброҳим Мўминовга тақдим этган: “Одному из грамотнейших учёный Узбекистана” Б.Ғафуров.

Мана шу дастхатда ҳам катта эътироф акс этган.[16]

Иброҳим Мўминовни Самарқанддаги фаолиятдан яхши билган, таниган Ш.Р.Рашидов уни ҳурмат қилган ва қадрлаган. Тақдир ўзбек халқининг бу икки буюк фарзандини қон-қариндошчилик ришталари билан ҳам боғлади.

Таниқли жамоат арбоби, академик Сайёра Рашидова шундай хотирлайди. “Отам замонавий одам бўлган, шу билан биргаликда бизнинг анъана ва қадриятларимизга содиқ

инсон эди. Бизни турмушга беришда фикрларимизни ҳисобга олганлар. Асосан зиёли ва маълумотли оилалар билан қариндош бўлишни хоҳлар эди. Масалан мен, Ўзбекистонда фалсафа мактабининг асосчиси академик Иброҳим Мўминовнинг келини бўлдим. Турмуш ўртоғим билан анча давр учрашиб, сўнгра турмуш курдик”.[17]

Шарқнинг улуғ мутафаккири Жалолиддин Румийнинг “Ё аслинг каби кўрин, Ё кўринганинг каби бўл!” деган машҳур сатрлари бор. Дарҳақиқат, Иброҳим Мўминовнинг сурати ва сийратида асл инсоний фазилатлар балқиб турарди.

Домланинг аслиятини ўрганар эканмиз, унинг таваллуд топган маконига эътибор қаратдик. Бухоронинг Шофиркон тумани... Бу заминдан Хожа Ориф Ревгарийдек машҳур сўфийлар, Аҳмад Донишдек ўз даврининг донишмандлари етишиб чиққан. Кейинги йилларда бу юртнинг доврўғини Иброҳим Мўминов бутун дунёга ёйгани шубҳасиз.

XX аср ўзбек зиёлилари ичидан Собик Иттифокқа машҳур бўлган олимлар, шоирлар, рассомлар етишиб чиққан.

Ленин мукофоти лауреати (ўлимидан кейин берилган) Ғофур Ғулом Москванинг машҳур Колонна залида ўзбекона дўпписини бошига кўндириб ўзининг машҳур шеърларини ўқиган. Чингиз Аҳмаров, Урол Тансиқбоев, Раҳим Аҳмедовларнинг мўйқаламлари намуналари бўлган картиналарининг кўргазмалари машҳур музейларда ўтказилган.

Шулар қаторида ўзбек илм – фани дарғаларидан саналмиш Иброҳим Мўминов Италия, Франция, Венгрия, Чехославакия, Покистон ва Афғонистон мамлакатларида нуфузли халқаро илмий конференцияларда илмий маърузалари билан катта ҳурмат эътиборга сазовор бўлган.

1973 йилда Франциянинг машҳур Сарбона университетида Шарқшуносларнинг 29-халқаро конгресси ўтказилган. Ташкилотчиларнинг илтимосига кўра Иброҳим Мўминов “Абу Райхон Берунийнинг дунё илм – фанига қўшган ҳиссаси” мавзусида ўзбек тилида маъруза ўқиган. Ўзбек олими дунёдан йиғилган жамоатчилик олдида, буюк Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур ва Алишер Навоий тилида фахр – ифтихор билан тўлиб тошиб сўзлаган.

Иброҳим Мўминов тадқиқотлари Ғарб тарихчилари, таҳлилчиларининг ҳам назарига тушган. Айниқса, Амир Темур ҳақидаги рисоладан кейин, унинг номи Ғарбнинг машҳур олимлари Ж.Критчлоу, Оливер Рой, Г.Убири, Эдвард Олеворт ва Б.Ҳайит асарларида келтирилади. Унга муносиб баҳо берилади.

Иброҳим Мўминовдаги бу эзгу фазилатлар, илмга қизиқиш унинг ота- онасидан мерос ўтган бўлса, не ажаб. Унинг отаси Абдумўмин Файзуллаев илмга қизиққан. У қозоқ, рус ва тожик тилларини мукамал билган. Онаси Махфират опа Тезгузар қишлоғида кизлар мактабини очиб, унда сабоқ берган. Онаизор халқ мақоллари ва дostonларни кўп билган. Буюк миллатни – буюк оналар тарбиялайди. Иброҳим Мўминовни шу даражага камол топишида онасининг ниҳоятда катта роли бўлгани шубҳасиз. Кейинчалик, олим булар ҳақида “Устозим - волидам” деган мақолада эслайдилар.[18]

Буюклик – оддийликда. Оддийлик ва камтаринлик ўз навбатида улуғлик пиллапояларига етаклайди. Иброҳим Мўминов сиймосига яна бир чизги: “Бизнинг жаноби академикни кўпчилик ҳеч қандай “вич-пичсиз” – Домла деб атарди. Рост–да ҳақиқий устоз учун такаллуф на даркор. Академия сарҳадида барча ёшу қари домла деганда ўзга ҳеч кимни эмас, яқкаш Иброҳим Домлани тушунишарди. Инсон учун бундай эъзозланиш қандай катта бахт. Ҳеч ким “Қайси домла” демасди. Ким бўларди, ие, шу ўзимизнинг Домламизда деб фахрланишарди. Ғалат: ўрис ва ғайримиллат кишилари ҳам шундай мурожаат қилишарди. – Домла”[19].

Домла, бу обрў – эътиборни ҳалол меҳнати билан топди. Одамларга яхшилик қилиш – Иброҳим Мўминовнинг ҳаёт фалсафасига айланиб кетган.

Иброҳим Мўминов вафот этганларида бутун Республика жамоатчилиги, шогирдлари, сафдошлари, зиёлилар уни сўнгги йўлга кузатишди.

Олимнинг жияни Маҳбуба Абдуллаева ўша оғир кунларни эслайди. “Домланинг уйларига таъзияга Шароф Рашидовдан тортиб барча раҳбарлар келишди. Ўрта Осиё ва

Қозоғистон диний идорасининг раиси, муфтий Зиёвуддин Эшон Бобоҳоннинг Қуръон тиловатлари ҳануз қулоғимда...”[20]

Ўзбекнинг машҳур мусаввири Чингиз Ахмаровга ташкилотлар, одамлар буюртма бериб сурат чиздиришар экан. Бироқ Ахмаров Иброҳим Мўмин портретини чизиш учун ўзига катта эҳтиёж сезган. Ва халқимизга ўзининг асл ўғлони бўлган Иброҳим Мўминовнинг жуда гўзал, фалсафий портретини тухфа қилган. Рассом ўз кабинетида том – том китоблар тахланган жавон олдида тик туриб узоқ тарих қаърига тикилиб турган заковатли Иброҳим Мўминнинг том маънода сурати ва сийратини ярата олган.[21]

Халқимизда яхшидан ном қолади – деган нақл бор. Иброҳим Мўминов ўзидан яхши ном қолдирди. Шогирдлар, сафдошлар ҳам йил ўтиб сийраклашиб кетган. Бугун Иброҳим Мўминов меросини эслаш ўрганиш, ундан ибрат олиш зарур.

Иқтибослар/Сноски/Refereces:

1. Archive of the Academy of Sciences of Uzbekistan. Academician Muminov Ibragim's personal collection. List F-1 2.1 case №114, 3 pages.
2. Uzbekistan during the Soviet colonial period T, Sharq 2000, p. 513.
3. Archive of the Academy of Sciences of Uzbekistan Personal collection of Academician Ibragim Muminov. List F-1 case 2 №114 21
4. During the Soviet occupation of Uzbekistan, T. Sharq, 2000, pp. 509-510
5. Hamid Ziyaev. The reign of the great Amir Temur and his destiny. T, “Spirituality” 2008, page 127.old
6. Norboy Khudoiberganov .Jasorat “Sharq yulduzi” 1970 №12, 204 p.
7. Recorded in our interview with Mahbuba Abdullaeva (nephew of Ibrahim Muminov, philosopher-scientist). December 7, 2020.
8. Ghaybullah as-Salam. Man, full of goodness. T, Sharq, 1997, p. 251
9. Ghaybullah as-Salam. That book is page 252.
10. Archive of the Academy of Sciences of Uzbekistan Personal collection of Academician Ibragim Muminov. F-1 list 2-L case №114, page 31
11. Hamid Ziyoev. The reign of the great Amir Temur and his destiny. Spirituality 2008, p.133.
12. Omonulla Fayzullaev. Intellectuals of the XX century: my teachers and comrades.T, 2008, p.117
13. Chori Nasriddinov. Man, consciousness, life T, “Uzbekistan”, 2010, p.99.
14. Interview with Mahbuba Abdullaeva. December 7, 2020.
15. Academician Ibrahim Muminov (Articles and Memoirs) T, 1993, p
16. Interview with Mahbuba Abdullaeva. December 7, 2020.
17. S.Rashidova. Beseda. "Dom, v kotorom vsegda svetlo". Narodoe word, April 28, 2017.
18. Ibrahim Muminov. My teacher is my parents. Science and Life, 1968.
19. Ghaybullah as-Salam. Man, full of goodness. T, Sharq, 1997, p. 251
20. Interview with Mahbuba Abdullaeva. December 7, 2020.
21. A.Xakimov. Netlenny svet. Life and work of Chingiz Akhmarova T, 2018, p. 231

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-4 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000